

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Дунёда кишилик жамияти бор экан, фуқаролар, давлат ва унинг органлари ўртасидаги муносабатлар ҳамisha инсониятнинг диққат-эътибори марказида туради. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида, фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги муносабатлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ушбу муносабатларни муайян ҳуқуқ тармоғи билан тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда фуқаролар билан бир каторда юридик шахслар ва давлат ҳамда унинг органлари иштирок этиши қонун ҳужжатлари билан белгилаб кўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 2-моддасининг 2-қисмига асосан, фуқаролар, юридик шахслар ва давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчилари бўладилар. Бу учала субъект ҳам фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда тенглик ва тенг ҳуқуқлилиқ принципи асосида иштирок этади ва бири иккинчисидан устунликка эга эмас. Шу нуқтаи назардан, фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида давлат органларидан бири бўлган алоҳида ҳуқуқ лаёқатига эга ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақоми масаласи ҳам катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Чунки, ички ишлар органлари **бир томондан**, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилишга оид вазифаларини ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланса, **иккинчи томондан**, улар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва тегишли қонунларга асосан юридик шахс мақомига эга ва уларга фуқаролик муомаласида қатнашиш ҳуқуқи берилган.

---

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фуқаровий-ҳуқуқий фанлар кафедрасининг катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди..

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат органлари фаолияти, уларнинг фуқаролар, бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги ҳуқуқий тартибга солиниши лозим ва шартдир. Чунки, ички ишлар органларининг ташкил қилиниши, уларнинг жамоат тартибини сақлаш бўйича кундалик фаолияти фуқаролар, юридик шахслар ва бошқа жамият аъзоларининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Аммо таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ички ишлар органларини юридик шахс сифатида белгиловчи ёки фуқаролик муомаласида қатнашишини ифодаловчи бирон-бир модда мавжуд эмас, лекин бу уни юридик шахс эмас деган маънони англатмайди. Қолаверса, Фуқаролик кодексида ҳар бир давлат органи ёки ташкилотини юридик шахс сифатида алоҳида модда асосида белгилашнинг ҳам имкони йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 4-боби “Юридик шахслар” деб номланади. Ушбу бобда юридик шахсларнинг бир қатор асосий (тушунчаси, турлари, ҳуқуқ лаёқати, жавобгарлиги ва ш.к.) жиҳатлари ўз ифодасини топган. Бироқ, мазкур боб нормаларида ички ишлар органлари тўғрисида ёки улар юридик шахсларнинг қайси турига оидлиги тўғрисида ҳеч бир қоида белгиланмаган. Лекин, ички ишлар органлари юридик шахснинг қайси турига мансублиги тўғрисида ҳуқуқшунос олимлар бир хил фикрдалар. Россиялик ҳуқуқшунос Ю.В.Щербакованинг фикрига кўра ҳам ички ишлар органлари ёки унинг алоҳида тузилмаси фуқаролик ҳуқуқида давлат муассасаси сифатида субъект ҳисобланади<sup>1</sup>. Профессор И.Б.Зокировнинг таъкидлашича, давлат муассасалари юридик шахс сифатида давлат бюджетида турадиган ва мустақил сметага эга бўладиган давлат муассасалари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган фаолият, чунончи маъмурий идора этиш ёки ижтимоий-маънавий ишларни бошқаришни амалга оширади. Булар жумласига мустақил сметага, раҳбарларни кредит тақсимлаш

---

<sup>1</sup> Щербакова Ю.В. К вопросу о министерстве как юридическом лице / Адвокат.— 2003.— № 12.— С. 66.

ҳуқуқига эга муассасалар (шифохоналар, олий ўқув юртлари, театрлар, суд-прокуратура ва бошқалар) киради<sup>2</sup>. Ушбу фикрлар албатта бир бирига мутаносибдир ва биз ҳам ички ишлар органларини “муассаса”<sup>3</sup> кўринишидаги нотижорат юридик шахс деб эътироф этамиз. Бироқ, муассаса кўп ҳолларда ижтимоий-маданий вазифаларни амалга оширувчи (масалан, шифохона, ўқув юрти ва ш.к.) ташкилот сифатида намоён бўлади. Фикримизча, шифохона ёки ўқув юртларини давлат органи деб бўлмайди, шу ўринда давлат органларини муассаса деб аташ ҳам ноўриндир. Назаримизда, Фуқаролик кодексининг «тижоратчи бўлмаган ташкилотлар» номли 4-бобига давлат томонидан ташкил этилган ва давлатнинг ижтимоий-маданий вазифаларини бажарувчи “давлат муассасалари”ни ҳамда давлатнинг маъмурий бошқарув соҳасидаги вазифаларини бажарувчи «давлат органлари»ни алоҳида модда билан номлаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу аниқликнинг киритилиши фуқаролик ҳуқуқи ва амалиётда бу соҳага оид анча ноаниқликларни бартараф қилган бўлар эди.

Ички ишлар органи давлат бошқарув органи бўлганлиги учун Фуқаролик Кодекси 79-моддасининг 2-қисми<sup>1</sup>га асосан, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда давлат номидан ҳам иштирок этиши мумкин. Яъни, Фуқаролик Кодексининг ушбу моддасида «Фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда давлат номидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда улар махсус вакил қилган бошқа органлар иштирок этадилар» деб белгиланган. Мазкур ҳолатни таҳлил этган ҳолда, шундай хулосага келиш мумкинки, ички ишлар органлари фуқаровий - ҳуқуқий муносабатларда икки хил кўринишда иштирок этади:

---

<sup>2</sup> Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи.1-қисм.—Т., 2006.—Б.131.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 76-моддаси “Муассасалар” деб номланади. Зеро, ички ишлар органларини ФКда назарда тутилган юридик шахсларнинг бошқа турларига мансуб деб бўлмайди.

<sup>1</sup>Фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда давлат номидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда улар махсус вакил қилган бошқа органлар иштирок этадилар.

**Биринчидан**, давлат номидан<sup>2</sup> ва **иккинчидан**, ўз номидан ёки юридик шахс сифатида.

Ички ишлар органларининг фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки масаласи ҳам айнан шу икки ҳолат асосида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Бизга маълумки, давлатнинг сиёсий ташкилот сифатидаги асосий ижтимоий вазифаси жамиятдаги мавжуд субъектларнинг, яъни турли гуруҳлар, миллатлар ва элатлар, кишилар ўртасидаги жипсликни таъминлашдан иборат. Шу маънода барча ҳуқуқий демократик давлатларда бўлгани сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам Ўзбекистон, унинг ҳалқи номидан фақат у сайлаган Олий Мажлис ва Президентгина иш олиб бориши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10-модда). Конституция нормалари жорий қонун ҳужжатлари асосида тўлдириб борилади. Шу мақсадда, юқоридаги конституциявий норма Фуқаролик Кодексининг 214-моддасида янада аниқроқ мустаҳкамланган бўлиб, шундай дейилади: «Республика мулки бўлган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ёки улар махсус вакил қилган органлар (қонунда бошқача ҳол белгиланмаган бўлса) тасарруф қиладилар.»

Амалда давлат номидан юқоридаги нормадан келиб чиқиб, турли вазирлик, давлат кўмиталари, давлат ташкилотлари қатнашиши мумкин.<sup>1</sup>

Ички ишлар вазирлиги ички ишлар органлари тизимининг олий органи, бош бўғини ҳисобланади. Яъни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «...ўз ваколатлари доирасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат бошқарувини амалга

---

<sup>2</sup> Бу ерда ИИВ назарда тутилади. Чунки, ФКнинг 214-моддасида давлатга тегишли бўлган мол-мулкни махсус вакил қилган органлар тасарруф қилишлари мумкинлиги белгиланган, шу маънода ИИВ ҳам давлат органи ҳисобланади ва мазкур модда мазмуни ушбу органга ҳам тааллуқлидир деб айтиш мумкин.

<sup>1</sup> Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи.— Т., 2006.—Б. 136.

оширувчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларини бевосита амалга оширувчи»<sup>2</sup> ташкилот сифатида ташкил этилган.

Маъмурий ҳуқуқ нуқтаи назаридан, давлат бошқарув органи, хусусан, ички ишлар органи давлат аппаратининг бир қисми бўлиб, муайян ваколатга, тузилишга, ҳудуд ёки тармоқ миқёсидаги фаолиятга эга бўлган, қонунда белгиланган тартибда ташкил этиладиган, муайян иш усулларидан фойдаланадиган, давлат топшириғи бўйича иш кўриш ваколати берилган, ҳамда ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти тартибида ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳасида маълум бир вазифаларни бажаришга хизмат қиладиган ташкилотдир<sup>1</sup>.

Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ички ишлар органларини давлат аппаратининг бир қисми ёки давлатнинг муайян соҳадаги функцияларини амалга оширувчи ташкилот сифатида фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда қатнашиши мумкинлигини инобатга олиб, бу орган давлат номидан фуқаровий-ҳуқуқий муносабатга киришади, деб айтиш мумкин. Яъни ички ишлар органлари муайян функцияларни амалга оширишда фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларни тузади ва унда қонунда белгиланган тартибда давлат номидан иштирок этади. Масалан, ички ишлар органларини моддий-техник воситалар билан таъминлаш бўйича давлат контракти, Унга кўра, тарафлардан бири — маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) иккинчи тараф (давлат буюртмачиси) — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги)га ёки унинг кўрсатмасига биноан маҳсулот етказиб бериш шартномаси асосида бошқа шахсга шартлашилган муддатда товарлар етказиб бериш, иккинчи тараф (давлат буюртмачиси – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги) эса етказиб берилган товарларнинг ҳақи белгиланган муддатда тўланишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низом.

<sup>1</sup> Пўлатов Ю.С., Исмоилов И.У., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари.—Т., 2005.— Б. 66-67.

битим<sup>2</sup>ни айтиш мумкин. Ушбу шартномада давлат номидан буюртмачи бўлиб Ички ишлар вазирлиги иштирок этади. Ундан ташқари, бажарилган иш ёки шартнома ҳақи (давлат буюртмачиси бўлганлиги учун) давлат бюджетидан амалга оширилади ва мажбуриятлар юзасидан ҳам давлат жавобгар ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозир амалиётда ички ишлар органлари томонидан тузилаётган шартнома ва битимларни ўз номидан тузилганми ёки давлат вакили сифатида унинг номидан тизилганми, буни аниқлаш муҳим аҳамият касб этадиган биринчи масаладир. Чунки, шартнома юзасидан келиб чиқадиган жавобгарлик, яни шартнома мажбуриятларини бажармаганлик, лозим даражада бажармаганлик оқибатида келиб чиқадиган зарар мажбурияти ички ишлар органлари зиммасига юкланадими ёки давлат бюджетидан амалга ошириладими, буни аниқлаш муҳим бўлган иккинчи масаладир.

Бу масалада ҳуқуқшунос М.Х.Баратовнинг фикрини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир, яни шартномавий муносабатларда давлатнинг жавобгарлигини белгилашда тузилаётган шартноманинг қайси мақсадларни амалга ошириш учун тузилганлигини ҳамда давлат органининг шартнома тузишдан кўзлаган мақсадини аниқлаш керак бўлади<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам, ички ишлар органи томонидан тузилган шартнома мазмуни давлатнинг бевосита функциясини амалга оширишга қаратилган мақсадда тузилган бўлса, бундай шартнома давлат номидан тузилган, агар шартнома мазмуни бевосита ички ишлар органлари функциясини амалга оширишни мақсад қилган бўлса, бундай шартнома тегишли органнинг ўзи номидан тузилган ҳисобланади ва бу ҳолатда асосий жавобгарлик ҳам айнан шартномани тузган тегишли ички ишлар органига қаратилади.

---

<sup>2</sup> Камолов О.А. «Ички ишлар органларини моддий-техник воситалар билан таъминлаш бўйича давлат контрактлари». Юридик фанлар номзоди дис... автореф. -Тошкент, 2005 йил, 7-бет.

<sup>1</sup> Баратов М. Бозор муносабатлари шароитида давлатнинг фуқаролик ҳуқуқий мақоми. ТДЮИ. 2005. 106-бет.

Ички ишлар органларининг фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардаги иштирокининг иккинчи тур кўриниши бу шартномада унинг ўз номидан ёки юридик шахс сифатидаги иштирокидир. Юридик адабиётда ички ишлар органларига ноижорат юридик шахс сифатида қаралса, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда ўзига хос алоҳида субъект сифатида иштирок этиши, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлиги чекланганлиги эътироф этилади<sup>1</sup>.

Бироқ, ички ишлар органларининг фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардаги иштирокини ҳар доим ҳам маъмурий идора ёки давлат органи сифатида деб бўлмайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, ички ишлар органлари давлат номидан ёки маъмурий идора (орган) сифатида фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда тор доирада қатнашади ва бу ҳолларда унинг фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлиги учун давлат ҳам субсидиар жавобгар бўлади. Аммо, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити ички ишлар органларини ҳам, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда бошқа субъектлар каби тенг ҳуқуқли ва мажбурятлари учун ҳам бир хилда жавобгар бўлишини тақозо этмоқда. Чунки, том маънода бозор муносабатлари тизимини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида шартнома тузиш эркинлиги, шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмаслиги, шартнома тузишда томонларнинг тенглиги каби тамойиллар белгиланган. Булар фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг эркин ва дадил фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларга киришишнинг ҳуқуқий кафолати ҳисобланади. Ички ишлар органлари ҳам алоҳида субъект ҳисобланса-да, ушбу тамойиллар уларга ҳам дахлдордир. Ҳолбуки, фуқаролик жамиятида барча ҳуқуқ субъектлари ўз ҳуқуқ ва эркинликларини Конституция ва қонунларда белгиланган тартибда эркин ва ихтиёрий амалга оширмоғи лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида ички ишлар органлари ҳам фуқаролик ҳуқуқининг тенг ҳуқуқли махсус субъекти ҳисобланар экан, у ўз

---

<sup>1</sup> Ўша жойда.

функцияларини амалга ошириш юзасидан фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари билан турли фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларни тузади. Бунда ички ишлар органлари фуқаровий-ҳуқуқий характердаги ҳар қандай битим ва шартноманинг тарафи сифатида иштирок этиши мумкин. Лекин, ички ишлар органлари нотижорат юридик шахс бўлганлиги учун тадбиркорлик фаолиятида, фойда олишни мақсад қилишга қаратилган ва шу каби шартномаларда иштирок этмайди. Бошқача айтганда, қонун ва ўз низомларида белгиланган функция ва вазифаларни амалга оширишни таъминлашга қаратилган шартнома ва битимларнигина тузиши мумкин. Бироқ, ҳуқуқшунос Н.С.Норматовнинг ички ишлар органлари тизимидаги Қўриқлаш бирлашмаси бўйича фикри бошқача, унинг таъкидлашича “Қўриқлаш” бирлашмаси, бир томондан, ваколатли расмий давлат органи, яъни муассасадир; иккинчи томондан – хўжалик юритувчи субъект, яъни юридик шахс. Шу маънода, “Қўриқлаш” бирлашмаси фаолиятининг куйидаги бир қатор хусусиятларига эътибор бериш лозим:

–“Қўриқлаш” бирлашмасининг фаолияти ҳам давлат органи сифатидаги, ҳам тижоратчи юридик шахс, яъни унитар корхона сифатидаги ташкилотнинг фаолияти бўлиб ҳисобланади;

– бирлашма фаолияти расмий фаолият бўлиб ҳисобланиши билан бир қаторда, махсус, яъни зарур бўлганда эҳтиёт чораси кўриш, қурол қўллаш билан боғлиқ фаолиятдир”<sup>1</sup> деган фикрни айтади ва муаллиф, “ҳозирги бозор муносабатлари шароитида “Қўриқлаш” бирлашмасининг ҳуқуқий ҳолати ўзгарди: у давлат тузилмасидан давлат - тижорат корхонасига айланди”<sup>2</sup> деган қатъий фикрга келади. Ҳақиқатан ҳам, ички ишлар органлари тизимидаги кирувчи “Қўриқлаш” хизмати ҳозирги даврда тўлиқ бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида фаолият кўрсатмоқда, бироқ унинг шакли нотижорат

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: *Норматов Н.С.* Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги “Қўриқлаш” бирлашмасининг юридик шахс сифатидаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш: Юрид.фан.номз. ... дис. – Т., 2002.

<sup>2</sup> Ўша жойда.



юримдик шахс турига мансуб эканлигидан чекинмаслик керак. Бошқача қилиб айтганда, тижоратчи юримдик шахсларнинг асосий фаолияти фойда олишга қаратилгандир, «Қўриқлаш» хизматининг асосий фаолиятини эса бундай деб бўлмайди.

Ички ишлар органлари фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари билан шартнома муносабатларига киришганда улар билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Бу ерда ҳуқуқшунос Ю.А.Тихамировнинг фикрлари ўринлидир, яни давлат органлари фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда ўзларининг маъмурий ваколатларидан фойдаланмайдилар, улар бу муносабатларда ўз контрагентлари билан тенг асосларда қуйидаги ҳолатлар билан иштирок этадилар:

биринчидан, давлат органлари томонидан фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектларига маъмурий таъсир ўтказилмайди;

иккинчидан, ўз фаолиятларини юритиш ва бошқа контрагентлар фаолиятини тартибга солувчи нормалар асосида амалга ошириши;

учинчидан, шартнома муносабатларда контрагентлар билан тенг ҳуқуқлилиги<sup>1</sup>.

Ички ишлар вазирлиги тизимидаги ҳар бир бўғин фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда мустақил субъект, юримдик шахс сифатида қатнашади. Гарчи, маъмурий ҳуқуқ нуктаи назаридан булар иерархик тартибда юқори турувчи органга бўйсунувчи ташкилот ҳисоблансада, фуқаровий - ҳуқуқий муносабатларда улар мустақил субъект сифатида иштирок этади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги «Қўриқлаш» бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари юримдик шахслар ва фуқаролар билан уларга қарашли объектларни ҳамда фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш бўйича «Қўриқлаш» шартномасини тузади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации. Под ред. О.Н.Садикова. М.: Юринформцентр. 2001. С.168.

<sup>1</sup> Нарматов Н.С. Кўрсатилган манба.

Ички ишлар вазирлиги тизимидаги юридик шахс мақомига эга ҳар бир бўғин фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда ўзига бириктирилган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради. Шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг маъмурий-ҳудудий (масалан, вилоят ИИБ, туман ИИБ каби) тузилмалари ўз эҳтиёжлари учун идора жиҳозлари сотиб олишлари, турли тадбиркорлик субъектлари билан олди-сотди, айирбошлаш, хизмат кўрсатиш каби шартномалар тузишлари мумкин. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги «Қўриқлаш» бирлашмаси ўз уставига асосан фуқаролар хонадонларини ва юридик шахсларнинг объектларини шартнома асосида қўриқлаш натижасида йиғилган пул маблағларини мустақил равишда тасарруф қилади, ЖИЭББ тизимидаги манзил-колониялар эса ахлоқ тузатиш ишларига маҳкум қилинган шахслар меҳнатидан фойдаланиш орқали тушган маблағлардан ўз хоҳишига кўра фойдаланадилар ва фаолиятларини жадаллаштириш учун сарфлайдилар. Бунда шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган зарар учун ўзларига бириктирилган мол-мулклари билан фуқаровий жавобгар бўладилар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ички ишлар вазирлиги ички ишлар органлари тизимининг бош бўғини ҳисобланади. Бироқ, вазирлик ўз тармоғидаги юридик шахс мақомига эга бўлган органларининг фуқаровий-ҳуқуқий мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди, шунга кўра, унга бўйсунувчи идоралар ҳам вазирликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Ички ишлар органлари тизимидаги юридик шахс мақомига эга бўлган ҳар бир орган, гарчи юқори турувчи органга маъмурий жиҳатдан бўйсунсада (масалан, туман ички ишлар бўлими вилоят ички ишлар бошқармасига ) фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларга мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида киришади. Ички ишлар органлари ўзига бириктирилган мол-мулклар, смета бўйича ажратилган маблағлардан ўз низомларида

белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида оператив бошқариш ҳуқуқи асосида фойдаланадилар.

Шундай қилиб, ички ишлар органларининг юридик шахс сифатида фуқаровий - ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки икки хил шаклда бўлади деб айтиш мумкин. Булар:

*биринчидан, шартномавий муносабатлар асосида,* яни, ўз ҳошишига кўра фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари билан ўз функция ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида турли хил шартнома ва битимларни тузади. Кўп ҳолларда, бундай шартнома ва битимларни фуқаролар билан эмас, балки юридик шахслар билан имзолайди. Амалиётда ички ишлар органларининг жисмоний шахслар, яъни фуқаролар билан шартнома ва битимлар тузиши жуда ҳам кам учрайдиган ҳолатдир (масалан, ички ишлар органлари тизимидаги “Қўриқлаш” бўлимлари фуқаролар билан хонадонларни қўриқлаш шартномасини тузади);

*иккинчидан, деликт муносабатлар асосида,* яъни шартномадан ташқари вужудга келадиган мажбурият муносабатларида қарздор ёки кредитор сифатидаги иштирокидир. Ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек давлат, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулки ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби вазифа ва функцияларини амалга ошириш жараёни бевосита фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари фаолияти билан боғлиқдир. Бунда кутилмаган ҳодиса ва шароитларда турли кўринишдаги зарарлар келиб чиқиши мумкин. Масалан, ички ишлар органлари тасарруфидаги мол-мулкка учинчи шахсларнинг ҳуқуққа ҳилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ёхуд қасд ёки эҳтиётсизлиги оқибатида шикаст етиши ҳоллари эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай вазиятларда мулкӣ зарарни ундириш масаласида тегишли ички ишлар органлари даъвогар, яъни жабрланувчи (кредитор) сифатида иштирок этадилар. Ва аксинча, ички

ишлар органлари томонидан фуқарога нисбатан Фуқаролик кодексининг 991-моддасида кўрсатилган қонунга хилоф тарзда етказилган зарар ҳам қопланиши керак. Бундай ҳолатларда эса ички ишлар органлари фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда қарздор (деликвент) сифатида иштирок этади. Мазкур ҳолат ҳам мунозаралидир. Чунки, ички ишлар органлари томонидан зарар етказилганда даъво кимга нисбатан қўзғатилади (ички ишлар органларигами ёки давлатга). Бу ҳолат қонунчиликда ўз ифодасини топиши керак.

Ички ишлар органларининг фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ички ишлар органлари<sup>1</sup> хўжалик фаолияти билан шуғулланади. Хўжалик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни ўрганиш орқали, бу муносабат кўп ҳолларда маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинади, аммо, айрим ҳолларда эса ушбу муносабатни тартибга солувчи норма фуқаролик ҳуқуқи нормаси билан ўзгариб туради. Ушбу фаолият натижасида ички ишлар органлари маълум миқдорда даромад(фойда) олишлари мумкин. Зеро, уларнинг хўжалик юритиш жараёнига бундай ёндашув бир қанча аниқликларга олиб келади. Бироқ, хўжалик фаолияти фуқаровий-ҳуқуқий муносабат эмас. Лекин, молиявий хўжалик фаолияти ҳам, тадбиркорлик фаолияти ҳам иқтисодий фаолият ҳисобланади<sup>1</sup>.

Аммо, ички ишлар органларининг ҳар бир тузилмаси юқори турувчи органга бўйсунмасдан мустақил хўжалик фаолияти билан шуғулланиши ҳақида сўз юритганда, бундай хўжалик фаолияти маълум даражада тадбиркорлик фаолиятининг бир қисми ҳисобланади, деса бўлади.

Айтиш жоизки, хўжалик фаолияти билан ички ишлар органларининг барча (юримдик шахс мақомига эга бўлган ва бундай мақомга эга бўлмаган) тузилмалари иштирок этишлари мумкин. Лекин, фуқаровий-ҳуқуқий

---

<sup>1</sup> Бу ерда ички ишлар органларининг юримдик шахс мақомига эга бўлган (масалан, вилоят ИИБ, туман ИИБ ва ш.к.) тизимлари ва юримдик шахс мақомига эга бўлмаган (масалан, МТП, тергов бўлим ва ш.к.) тизимлари ҳам назарда тутилади.

<sup>1</sup> *Попондопуло В. Ф., Яковлевой В. Ф.* Коммерческое право: Учебник .— СПб. 1997.— С. 9.

муносабатларда фақат юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилотгина қатнашади. Демак, юридик шахс сифатида фақат ИИВ эмас, балки унинг алоҳида тузулмалари ҳам эътироф этилади.

Ички ишлар органлари фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, улар киришадиган айрим муносабатлар бир вақтнинг ўзида бир неча ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солиниши, ёки бу муносабат бошқа ҳуқуқ соҳалари билан фуқаролик ҳуқуқи нормалари мувозий қўлланилишини ёхуд бу муносабатлар фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларга жуда ўхшаш муносабат эканлигини кўрамиз. Масалан, ички ишлар органлари транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишни ҳақ эвазига амалга оширади. Бир қарашда ушбу муносабат ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига ўхшаб кетади. Бироқ, ички ишлар органлари билан фуқаролар ўртасидаги транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги ушбу келишув муносабати фуқаровий-ҳуқуқий хусусиятга эга эмас. Чунки, бу ерда муносабат субъектларининг тенглиги принципи мавжуд эмас. Чунки, автотранспорт воситаларини техник ҳолатини текширувдан ўтказиш ички ишлар органларининг функционал вазифаси қилиб белгиланган ва бу маъмурий – ҳуқуқий муносабат ҳисобланади. Бундан ташқари, ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномалари бериш ва номзодлардан имтиҳонлар қабул қилиш, фуқаролик паспортларини бериш каби муносабатлар ҳам ҳақ эвазига амалга ошириладиган муносабатлардир, лекин булар шартномавий муносабатлар эмас. Чунки, бу муносабатлар вертикал муносабат яъни бир томоннинг иккинчи томонга бўйсунishiга асосланган бўлиб, йиғилган маблағлар давлат бюджетига тушади.

Агар ички ишлар органлари шартнома муносабатларига мустақил кириша олса, бу муносабат горизонтал, тенг ҳуқуқлилиқ муносабат ҳисобланади ва фуқаролик ҳуқуқига тегишлидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ички ишлар органлари фаолиятида юзага келадиган фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни тавсифловчи умумий хусусиятларни, шунингдек фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий турларини кўриб чиқиш орқали қуйидаги муҳим ҳолатларни таъкидлаш мумкин:

– ички ишлар органларининг функционал вазифалари, ваколатларининг ўзига хослиги улар киришадиган ҳуқуқий муносабатларнинг ранг-баранглигини белгилаб беради;

– нафақат ички ишлар органлари фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари билан киришадиган ҳуқуқий муносабатлар, балки уларнинг ўзаро вертикал алоқалари ҳам комплекс ўрганилгандагина ички ишлар органлари фаолияти ҳуқуқий нормаларини тавсифлаш, уларга қўйиладиган қонун талабларини аниқлаштириш мумкин;

– фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларга қўйиладиган асосий қонуний талаблар бўлиб, унинг мазмуни Конституция, бошқа қонунларнинг қоидалари, ҳуқуқ принциплари ва ушбу ҳуқуқий муносабатларни назарда тутувчи муайян ҳуқуқ соҳасининг нормаларига мувофиқлиги ҳисобланади;

– ички ишлар органлари мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида ўзларига ажратилган пул маблағларини асосий функция ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида ўз хоҳишига кўра тасарруф қилади ва унинг молиявий сметаси шу хусусияти билан давлат бюджетида турувчи бошқа ташкилотларнинг сметаларидан фарқ қилади;

– ички ишлар органлари хўжалик фаолияти натижаларига кўра иқтисодий мустақилликка эга, яъни ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ва фуқаролар билан тузилган шартномалари юзасидан келиб чиқадиган мажбуриятларга ўз мол-мулки билан жавоб беради ва унинг мустақил мулкӣ жавобгарлиги хусусиятлари ўзининг бюджет воситаларига бириктирилган молиявий-сметали принципга асосланади.

Мазкур асосий жиҳатлар ички ишлар органларининг фуқаролик

хуқуқининг субъекти сифатида фуқаровий-хуқуқий муносабатларда иштирок этишини таъминлайди ва фуқаролик хуқуқининг бошқа субъектлари билан тенг хуқуқларда фаолият кўрсатиши учун хуқуқий манба бўлиб хизмат қилади.

**Таянч иборалар:** зарар, зиён, деликт, деликт жавобгарлик, деликвент, жабрланувчи, зарарни қоплаш, зарарни тўлаш, охирги зарурат, зарурий мудофаа, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Мақолада ички ишлар органларининг давлат органи (давлатнинг тузилмаси) ва юридик шахс сифатида деликт муносабатларидаги ўзига хос иштироки ўрганилиб, шу йўсиндаги деликт жавобгарлигига оид илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Key words:** harm, damage, delict, tortious liability, delictum, victim, indemnification, harm payment, absolute necessity, necessary defence, illegal action (inaction).

The article deals with the specific character of participation in delict relations of the organs of internal affairs as a state structure and juridical person, scientific and practical recommendations concerning the delict responsibility are elaborated.

**Ключевые слова:** вред, ущерб, деликт, деликтная ответственность, деликвент, потерпевший, возмещение вреда, выплата вреда, крайняя необходимость, необходимая оборона, незаконные действия (бездействие).

В статье изучена специфика участия в деликтных отношениях органов внутренних дел как в качестве государственного органа, так и в качестве юридического лица, разработаны научно-практические рекомендации, касающиеся деликтной ответственности такого порядка.